



ҚОЯТОШ ТАСВИРЛАРИ ТЕМАТИКАСИ ХУСУСИДА

Туйчибаев Баҳодир Босимович

Тарих фанлари номзоди,

Гулистон давлат педагогика институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси доцент

bahodirtuychibaev69@gmail.com. 998932711669

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10117827>

ARTICLE INFO

Received: 06th November 2023

Accepted: 12th November 2023

Online: 13th November 2023

KEY WORDS

Қоятош тасвир
ёдгорликлари, тасвирлар
темадикаси, коинот,
дунёнинг пайдо бўлиши
мавзуси, вақт ва самовий
жисмлар мавзуси, ов ва ўлжа
мавзуси, ривоятлар ва
афсонавий қахрамонлар
мавзуси.

ABSTRACT

Мақола Ўрта Осиё ҳудудида аниқлаган қоятош ёдгорликларни мавзусига кўра гурухлаштириш масаласига бағишланган. Қоятош ёдгорликларни тематикасига кўра ўндан ортиқ гурухларга ажратиш мумкин. Мақолада улардан фақат асосан тўрт гурухи, хусусан: коинот, дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мавзу, ов ва ўлжа мавзуси акс этган қоятош тасвирлар, ривоятлар ва афсонавий қахрамонлар, муқаддас сиғиниш жойлари мавзуси акс эттирилган тасвирлар таҳлилига эътибор қаратилган.

Ўрта Осиё қадим даврлардан турли этник гурухларнинг миграцион оқимлари, маданий ва диний дунёқарашлар кесишган минтақа сифатида археологик топилмаларга бой ўлка ҳисобланади. Бу топилмалар ичида қоятош тасвир ёдгорликлари ноёб ва қизиқарли манбалар сирасига киради. Қоятош тасвирлар қадимги одамларнинг илохий тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг катта қисми палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза ва илк темир даврларига оид. Улар қадимий афсона ва ривоятлар, маҳаллий урф-одатлар, маросимлар, сиғиниш ва ибодат амаллари борасида маълумот берадиган манбаа сифатида қадимги одамларнинг диний, маданий ва ижтимоий ҳаётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Бу тасвирлар тематикасини ўрганиш асосида қадимги одамларнинг коинот, табиат ва уни ўраб турган олам билан боғлиқ муносабатларини, муқаддас жойлари ва илк диний эътиқодлари ҳақидаги тушунчаларга эга бўламиз. Қадимги қоятош тасвирларини мазмунига қараб бир қанча гурухларга ажратиш мумкин. Булар:

1 гурух. Коинот, дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мавзу бўлиб, бу мавзудаги тасвирларни куйидаги йўналишларга ажратишимиз мумкин: а) Күёш ва ой, коинотнинг асоси ва вақтнинг рамзи акс этган. б) Юлдузлар, сайёралар ва самовий жисмлар мавзуси ёритилган. Қашқадарё вилояти Қуруқсой дарасида 2001 йилда аниқланган ноёб санъат ёдгорлиги ҳисобланувчи Сийпантош қоятош тасвирларини юқоридаги гуруҳга киритишимиз мумкин. Сийпантош қоятош ёдгорлиги камида 10 минг йиллик тарихга эга бўлган энг қадимий инсонлар сиғинган зиёратгоҳ бўлиб, унда



тош даври одамларининг макон ва замон тузилиши ҳақидаги ғоялари ўз ифодасини топган. Сийпанташ ёдгорлиги тасвирлари астрал ва космик белгилар билан боғлиқ. Айниқса, ой тақви тасвири қадимги одамларнинг вақт ўлчами ва коинот тўғрисидаги тушунчаларни тизимлаштиришга уриниш деб талқин қилиниши мумкин [3. б.23-27].

2 - гуруҳга ов ва ўлжа мавзуси акс этган қоятош тасвирларини киритишимиз мумкин бўлиб, унда ов ва овчилар, ёввойи ҳайвонлар, озиқ-овқат йиғиш саҳналарини кўришимиз мумкин. Бу мавзудаги қоятош тасвирларига Зараутсой тасвирларини киритишимиз мумкин. Зараутсой ёдгорлиги Хисор тоғ тизмасининг жанубий-ғарбий тармоғи бўлган Кўҳитанг тоғнинг шимоли шарқий этакларида, Зараутсой дарасида жойлашган. Зараутсой расмлари композицияси асосини ов жараёни ташкил этади [5. 91-93 р]. Зараутсой расмларида одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. [Ҳайвонлар](#) (ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчқа, бурама шохли эчки, жайран, тоғ эчкиси, ҳашарот ва бошқалар), турли қуроллар (ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар), ниқобланган одамлар ва бошқа тасвирлар ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб ишланган. Зараутсой қоятош суратлар мажмуаси таркибида қизиқарли бўлган тасвирлар: ниқоб кийган одамлар тасвирларидир. Ушбу композицияда 25 та одам тасвири чизилган бўлиб, улардан 19 таси ниқоб кийган ҳолда туширилган. Ниқоблар кенг конуссимон ёпқичлар ва туяқуш кўринишига эга бўлган. Тадқиқотчилар ниқоб кийган одамларни ов пайтда ҳайвонга яқинлашишда, уларни чўчитиб юбормаслик мақсадида, унинг қиёфасига кирган овчи деб ҳисоблайдилар. Овчилар арчазорларда ўтлаб юрган ёввойи буқаларни аввал яқиндан ўраб олиб, сўнгра ўққа тутиш мақсадида айнан арчасимон ёпинчиқлардан фойдаланган деб ҳисоланади [2. С.69-71., 4. С. 73-74, 10. 70-75.]. Зараутсой тасвирлари мезолит даври билан даврлаштирилади.

3- гуруҳга ривоятлар ва афсонавий қаҳрамонлар мавзусини киритишимиз мумкин бўлиб, унда афсоналар ва ривоятлардаги илохий образлар, қаҳрамонлар, афсонавий ҳайвонлар образларини кўришимиз мумкин. Бу мавзудаги ёдгорликларга мисол сифатида Араван қишлоғи яқинида, хитой йилномаларида тилга олинган “самовий отлар” деб ҳисобланган қоятош сурат тасвирларини киритишимиз мумкин. Қоятошдаги отлар тасвири композицияси отларни етиштириш марказларидан бири бўлиб келган Фарғона водийси учун хос бўлган, отларнинг урчиши мазмунини акс эттиради. Фарғона қимматбаҳо зот отларининг кўпайтириш маркази бўлганлиги тўғрисида маълумотларни хитой манбаалари беради. Чжан Цяньн маълумотларига асосланиб хитой манбалари “Давонда яхши отлар кўп бўлиб, улар “қон каби қоп қора терлайдиган” “осмон отлари” наслидан тарқалганлар” деб маълумот берадилар. Ши-цзида изоҳ сифатида бир афсона мисол қилиб келтирилади. “Таюань ўлкасида баланд тоғлар жойлашган. Бу тоғларда тутқич бермас отлар яшайди. Улар ола була отлар танлаб олиб, уларни тоғ отларидан урчишлари учун тоғ этакларига қуйиб юборадилар. Бу биялардан “қон каби қоп қора терлайдиган” тойчоқлар туғиладилар. Шу сабабли уларни “осмон отлари” наслидан тарқалган дейдилар”. Юқоридаги афсона, Араван қоятош тасвирлари мазмунига мос тушади. Шубҳасиз, афтидан ўзида Фарғона насли отларини кўпайиши ғоясини акс эттирувчи диний мазмундаги бу тасвир учун танланган жой, тасодиф эмас [1. с.158-159, 6., 7. 19-24.].



4- гурухга муқаддас сиғиниш жойлари мавзусини киритишимиз мумкин бўлиб, унда қурбонлик жойлари, муқаддас маросим жойлари тасвирлари ва бу жойлар билан боғлиқ маросим саҳналарини кўришимиз мумкин. Бу гурух мавзусидаги тасвирларни ҳам Араван қоятош ёдгорликларини мисолида кўришимиз мумкин. Ёдгорликда илк туширилган қадимги қатламдаги тасвирларда чап томонга ҳаракатланаётган учта архар, ундан пастда иккита одам тасвири туширилган. Ундан кейин шохлари баланд кўтарилган скиф услубига ўхшаш услубда тасвирланган эчки, унинг олдида ит тасвири туширилган. Композицияни устма уст туширилган учта одам тасвири яқунлайди. Ёдгорликлардаги тасвирлар уларни скиф даври билан даврлаштириш имконини беради. Тасвирнинг мазмуни муракаб. Тасвирдаги кўриниши шубҳасиз диний сиғиниш билан боғлиқ. Одамлар қандайдир диний ибодат билан боғлиқ рақс тушмоқда. Улар қуроланмаганлар, бу ов тасвири эмас. Тасвирланган хайвонларни, ов хайвонлари эмас, балки фаровонлик белгиси, кўпроқ қуёшга топиниш белгилари деб ҳисоблаш мумкин. Уларни диний рақсларда иштирок этиши керак бўлган иштирокчилар деб ҳисоблаш мумкин. Ўрта Осиё қоятош тасвирларида учрайдиган тоғ эчкилари тасвирларини, одам ва қуёш ўртасида турувчи диний-афсонавий воситачи сифатида тушуниш керак. Эчки ва архар тасвирлари фақат тотемистик белги бўлмай, коинот ва қуёш уйғунлигини акс эттирувчи образ бўлиб, бу ҳолат айниқса Саймалитош тасвирларида учрайдиган қуёш шаклидаги айланалардан иборат тасвирларда учрайди. Шу маънода тоғ эчкилари қоятош суратларда қуёшга топинишни акс эттирувчи диний тасвирларни акс эттирган бўлиши мумкин. Геродотнинг гувоҳлик беришичи Ўрта Осиё кўчманчилари бўлган массагетлар “қуёшга сиғинадилар ва унга отни қурбонлик қиладилар”. Бу қурбонликнинг замирида, энг тезкор қуёшга энг тезкор хайвонни қурбон қилиш мазмуни ётади. Агар сахро халқларида от энг тезкор хайвон ҳисобланса, тоғ халқларида, энг тезкор хайвон тоғ эчкиси ва архарлар ҳисобланиши ҳеч ким учун сир эмас. Бу қоятош суратларни, эскидан тоғ хукмдорлари белгиси бўлган – архар ва такаларни илохийлаштирилиб тушириган деб тахмин қилишимиз мумкин. Бу тасвирда сак даврига бориб тақалувчи қуёшга топиниш эътиқоди билан, кейинги, яъни илк кушон даврига оид эътиқодни акс эттирувчи диний-афсонавий тасвирлар уйғунлашиб кетган. Маълумки, инсон, унинг бутун хаёти ва ўраб турувчи оламини акс этувчи куч бўлган қуёшга эътиқод, уни ифода этувчи диний афсонавий қуёш тимсоллари билан уйғунлашиб қоришиб кетган [1. с.158-159, 8. 86-87., 9., 89-92.].

Юқорида биз бир қанча ёдгорликлар мисолида қоятош ёдгорлик тасвирлари тематикасини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Лекин Ўрта Осиё қоятош тсвирлари тематикаси ҳилма ҳил бўлиб, уларни яна бир қанча йўналиш ва гурухларга, жумладан илоҳлар ва ғайритабиий кучлар, унумдорлик, деҳқончилик ва чорвачилик, урф одат ва маросимлар, мавҳум белгилар ва геометрик нақшлар, кундалик ҳаётдан манзаралар, хайвонлар ва тотемлар мавзуларига ажратишимиз мумкин. Ушбу қоятош расмларини ўрганиш бизга қадимги жамият одамларининг дунёқараши ва тафаккурини яхшироқ тушуниш имконини беради. Қадимги одамлар юқоридаги мавзулар тематикаси орқали ўз даврининг билим, ғоялари ва эътиқодларини сақлаш ва келажак авлодга етказиб бериш усулларидан бири деб ҳисоблашган.



References:

1. Бернштам А.И. Араванские наскальные изображения и даванская (ферганская) столица Эрши // СЭ. 1948 №4, с.158-159.
2. Формозов А.А. Очерки по первобытному искусству.- М., 1969. С.69-71 11
3. Сулейманов Р.Х., Гордеева Е. Сийпантош – ибтидоий давр санъатининг муҳим ёдгорлиги. Ўзбекистон археологияси. 2019. № 1 (18) 6.23-27
4. Кабиров А. Древнейшая наскальная живопись Зараутсая. // Первобытное искусство. – Новосибирск: Наука, 1976.73-74 ст.
5. K. Tashbayeva, M. Khujanazarov, V. Ranov, Z. Samashev. PETROGLYPHS OF CENTRAL ASIA. – Bishkek. 2001. 91-93 p.
6. Туйчибаев, Б. Б. (2022). ПЕТРОГЛИФЛАРНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-2).
7. Туйчибоев, Б. (2022). Қоятош суратларини ўрганиш ва сақлашда рақамли технологияларнинг ўрни. *Значение цифровых технологий в изучении истории Узбекистана*, 1(01), 19-24.
8. Bosimovich, T. V., & Jonibek, R. (2022). FROM THE HISTORY OF EARLY MEDIEVAL POTTERY CRAFT. *World Bulletin of Social Sciences*, 16, 86-87.
9. Туьчибоев, В. В. (2023). ЎРТА ОСИЁ ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИДА АРИДИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ АКС ЭТИШИ. *Наука и инновация*, 1(10), 89-92.
10. Туьчибаев, В. (2023). OF PRESERVATION AND USE OF STONE MONUMENTS IN PARTICULAR ISSUES. *Science and innovation*, 2(C4), 70-75.
11. ВАКХОДИР, Т., & УЛУГБЕК, У. (2022). Сирдарё ўлкаси илк моддий маданияти излари. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(5), 31-39.
12. Bosimovich, T. V. (2022). ON METHODS OF DOCUMENTING ROCK PICTURES. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 3(11), 51-59.